БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 9 (19.085). ● 1985 йил 11 январь, жума ● Баҳоси 3 тийин.

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида ўртоқ А. А. Громикониг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц билан 1985 йил 7—8 январь кунлари Женевада бўлиб ўтган учрашуви тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Космик ва ядро қуролларига оид масалалар юзасидан Совет—Америка музокараларининг мазмуни ва мақсади хусусида учрашувда эришилган аҳдноманинг муҳимлиги тўғрисида якдил фикр билдирилди. Бу масалалар бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Бунда шу нарса алоҳида таъкидланадики, бўлажак музокаралар чоғида эришилган аҳдноманинг барча қисмларига қатъий риоя этилган тақдирдагина қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини бартараф этиш ва пировард натижада ядро қуролини тугатиш йўлидан олға томон реал силжишни таъминлаш мумкин. Жаҳон халқлари бундан ҳаётий манфаатдордирлар.

Совет Иттифоқининг музокараларга принципиал конструктив ёндашуви мана шундай. У Америка Қўшма Штатларидан ҳам худди шундай ёндашувни кутади.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ҳамда Марказий Комитет секретарларининг иттифоқдош республикалар Олий Советларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига Очиқ хати текстини тасдиқлади. Хат тексти матбуотда эълон қилинади.

Ўртоқ К. У. Черненконинг таклифига мувофиқ тайёрланиб, Сиёсий бюрога тақдим этиладиган асосий масалалар рўйхати кўриб чиқилди ва маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Совет Иттифоқи ички ва халқаро сиёсатига оид бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

# БЕШ ЙИЛЛИКНИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН НИШОНЛАЙМИЗ

Ишчи минбари

## БИНОКОРЛИК ҒУРУРИ



КАСБИМ бинокор бўлганлиги билан фахрланаман. Биз бунёдкор меҳнатимиз билан улуғ яратувчилик ишига кўпроқ ҳисса қўшишга даъват этилганлигимизни жуда яхши биламиз. Шунинг учун ҳар сафар смена тугаганидан сўнг ўз-ўзимизга ҳисоб берамиз. Топширилган ишни вақтида бажардикми? Адо этилган ишлар сифати бугунги талабларга жавоб берадими? Тежамкорлик жамғармасига нима билан ҳисса қўшдик? — Ана шулар ҳақида мулоҳаза қиламиз. Эртага бажарадиган ишларимизни аниқ мўлжаллаб қўямиз.

Қарийб 30 йилдан бери қурилиш ишлаб чиқаришида ишлайман. Йигирма йилдирки, бригадага бошчилик қилмоқдаман. Кейинги йилларда бригадамиз комплекс бригадалар қаторидан ўрин олди. Коллективимизда 28 киши бор. Уларнинг ҳар бири бетон қуйишдан тортиб эшик-дераза ясашгача, қурилиш ишларини олиб бориш, ремонт қилиш, бўяш, суваш каби ишларни ҳам бирдек бажараверади. Сўнгги йилларда бригадамиз аъзолари Жиззах шаҳрида марказий универмаг, туғуруқхона, медицина билим юрти, педагогика институти, ишчилар учун профилакторий каби қатор объектларни тез ва сифатли қуриб тамомлашда фаол иштирок этдилар.

Коллективимиз обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган бинокорларимиз билан фахрланамиз. Ю. Зокиров, Р. Набиев, У. Қўшоқов, Ў. Шодиев, Т. Валиева каби қўли гул қурувчиларимиз катта тажриба орттирганлар. Улар янги ишга келганларга яқиндан ёрдам кўрсатиб, қисқа вақт ичида ёшларни илғорлар даражасига етказиб олишмоқда. Бизда мураббийлар бригадада ишлаётган ёшларнинг Тошкент политехника институти филиалида ўқишларини мунтазам назорат қилиб боришади. Шу тариқа ёшлар мураббийлари кўмагида ҳам касб сирларини ўрганиб олишяпти, ҳам олий ўқув юртини тамомлаб келишяпти.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг ишлаб чиқаришда зўр ғайрат ва қатъият билан тартиб ўрнатиш, уюшқоқликни ошириш, айниқса, қолоқ участкаларда план ҳамда ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳақидаги кўрсатмасига астойдил амал қилмоқдамиз. Ишдаги қолоқлик учун бир киши эмас, бригададаги ҳар бир киши масъуллиги бизда алоҳида мезон қилиб олинган. Шу тариқа юз берган камчилик ва қолоқликни биргалашиб бартараф қилиш анъанаси вужудга келди. Бу план ва мажбуриятларнинг ошириб бажарилиши бинокорлик ишларининг ўз вақтида ва сифатли адо этилишида катта ёрдам кўрсатмоқда.

«Джизакстрой» қурилиш ташкилотида бинокорларнинг ташаббускорлигини ошириш, бўлинмалар орасида мусобақани кенг йўлга қўйиш, қурилиш сифатини тубдан яхшилаш ўрнига кўзбўямачилик билан шуғулланиш фактлари ҳам юз берганди. Бу аҳвол меҳнат самарасидан манфаатдорлик даражасини камайтирди. Эндиликда бундай камчиликларга барҳам берилди. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш, интизомни мустаҳкамлаш катта самаралар бермоқда. Объектлар вақтида ишга тушириладиган бўлиб қолди, қилинган меҳнатга яраша манфаатдорлигимиз муттасил ортиб бормоқда. Бир мисол. Ҳозир пайпоқ тўқиш фабрикасини барпо этмоқдамиз. Юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликлар сабабли фабрика қурилиши қолоқ участкалар қаторига тушиб қолганди. Аҳволни обдон муҳокама қилиб, тегишли ташкилотлар ва етакчи мутахассислар билан бамаслаҳат объектни барвақт қуриб тамомлаш режалари пухта ишлаб чиқилди. Бунда мавжуд резервлар ва имкониятлар ҳисобга олинди. Ҳозир ишлар жадаллашиб кетди. Ўтган йилнинг охирига келиб кўзда тутилганидан 10 минг сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришга эришдик. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, меҳнат унумдорлиги ортяпти. Унинг планга қўшимча бир процент ортиши ҳисобига 3900 сўм ва қурилиш ишлари таннархининг 0,5 процент арзонлашиши ҳисобига 1950 сўм самара олинади.

Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб бригадамиз коллективи ҳар сменада планга қўшимча иш бажаришга эришяпти. Бу — ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили дастлабки суръати. Биз бундан ҳам юқорироқ натижаларга эришишни мўлжаллаяпмиз. Шу тариқа ўн биринчи беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари ва муваффақиятли бажарилишига ишончимиз комил. Бунга бригада аъзоларининг шу кеча-кундуздаги ғайрат-шижоати кафолат бера олади. Бизда тежамкорлик талабларига қатъий амал қилинадиган бўлиб қолди. Иш вақтини тежаш, қурилиш материалларини иқтисод қилишнинг аниқ ҳисоб-китоби жорий қилинмоқда.

Шуни ҳам айтиш кераккки, бизнинг бинокорлик ғуруримиз кўтармайдиган ҳоллар ҳам мавжуд. Қурилишда бир-бирини қўллаш ва бир бирига мадад бериш катта роль ўйнайди. Масалан, материал вақтида етказиб берилмас экан, бетон қориб бўлмайди, ғишт етказиб берилмаса, девор тиклаш чўзилиб кетади. Бошқа ишлар ҳам шу тариқа кечикади ва объект қурилиши муддатида бажарилмай қолади. Гапнинг очиғи, Янгийўлдаги ва Чирчиқдаги ғишт заводлари номига таънали гапларимиз бор. Бизнинг колоннамиз ва жумладан, бригадамиз ҳам ғиштни ана шу корхоналардан олади. Ғишт заводлари маҳсулотни пала-партишлик билан жўнатмоқдалар. Ғишт поддонларга терилмасдан тўппа-тўғри вагонларга ортиб юборилмоқда. Оқибатда ғиштларнинг 60 процентга яқини бизга синиқ ҳолда етиб келяпти. Шунинг натижасида қоришмани нормадан ортиқ ишлатишга, ғишт териш сифатининг пасайиб кетишига йўл қўйилмоқда. Ғишт териш нормаси адо этилмай қолган вақтлар ҳам оз эмас.

Ишимизга ҳалақит бераётган яна бир ҳол шуки, ғиштни вагондан машинага юклаш учун 8 ишчимиз овора. Агар заводлардан чиққан ғишт бира-тўла поддонларга териб жўнатилса, ортиш ва тушириш ишларини механизмлар бажарарди. Шунингдек, ғишт қурувчиларга бутун ҳолда етиб келарди. Ўйлаймизки, Чирчиқ ва Янгийўлдаги ғишт заводларининг ишбошилари бу эътирозимизни инобатга оладилар.

Бизнинг бригадамиз куч-ғайратни ошириб, резервларни ҳаракатга келтириб, имкониятлардан самарали фойдаланиб КПСС XXVII съездини, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини меҳнатда катта зафарлар билан нишонлашга аҳд қилган.

**Т. МАМАТҚУЛОВ,**
**«Джизакстрой» қурилиш бирлашмаси комплекс бригадаси бошлиғи, СССР Олий Совети депутати.**

## УЛУҒ ОКТЯБРЬ МУҚАДДИМАСИ

ЛЕНИНГРАД, 10 январь. (**ТАСС мухбири**). Кеча Ленинграддаги тарих музейида очилган кўргазма Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига бағишланган. Экспонатлар империализм даврида биринчи халқ революциясининг сарчашмалари ва ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилади. В. И. Лениннинг таърифига кўра, бу революция Улуғ Октябрнинг «бош репетицияси» бўлган эди. «Қонли якшанба» кунида олинган фотосуратлар, РСДРП Петербург комитетининг варақалари ва хитобномалари, чоризмга қарши кураш қаҳрамонлари портретлари ва бошқа материаллар ўша йиллардаги синфий жанглар муҳитини гавдалантиради.

Экспозицияда «Пролетарий» газетасининг сонлари, В. И. Лениннинг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» асари, Большевиклар партиясининг фаолияти, Москвада, Киевда ва бошқа шаҳарларда революцион кураш кенг қулоч ёзганлиги тўғрисида, биринчи рус революцияси даврида чоризмга қарши кураш вақтида пролетариат олган тажрибанинг халқаро аҳамияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва ҳужжатлар бор.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

## БУТУН ХАЛҚ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

**Ўзбекистонда округ сайловолди кенгашлари якдиллик вазиятида ўтмоқда. Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида меҳнат коллективлари йиғилишларининг қарорларини астойдил маъқулламоқдалар.**

Тошкент шаҳри ва Тошкент областида бўлиб ўтган округ кенгашларининг қатнашчилари «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **Ирик Харасович Мусин**, Тошкент экскаватор заводининг токари **Раиса Тарасовна Виприцкая**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Сайёра Умаровна Султонова**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари республика Госплани раиси **Қудратилла Аҳмедович Аҳмедов**, Янги Ангрен ГРЭСи қурилиши бошқармасининг бошлиғи **Ирина Алексеевна Шигильчева**, «Қорасув» совхози бригадири **Асқар Собирович Раҳмонбердиев**, Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси **Ҳалима Ражабова** республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилганликларини қўллаб-қувватладилар.

Округ сайловолди кенгашларида қўллаб-қувватланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида Бухоро-1 станцияси локомотив депосининг машинисти **Александр Борисович Власов**, Бухоро область Қоракўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Шамсия Худоевна Жўраева**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Владимир Иванович Суськин**, Бухоро областидаги Абу Али ибн Сино номли совхоз механизатори **Сайфилло Файзиевич Тўраев**, Қашқадарё область Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони **Туймурод Нуров**, Қашқадарё областидаги «Косон» совхозининг механизатори **Сирожиддин Сабриддинов**, Қашқадарё областидаги Ульянов номли совхоз бригадири **Гулчеҳра Жўраевна Мўминова**, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари **Низом Жўраевич Урунов**, Қашқадарё областидаги «Ленинизм» совхозининг бригадири **Мавжуда Тошмуродова**, Навоий областидаги Балиманов номли совхоз бош чўпони **Жақсилиқ Балиманов**, Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери **Лидия Васильевна Самойлова**, Наманган область Поп районидаги «Ленинград» колхозининг звено бошлиғи **Дилором Турғуновна Раҳматова**, Наманган областидаги Ленин номли совхознинг бош агрономи **Абдуғани Боқиев**, Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари **Ўткир Раҳматович Мўминов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Акрам Рустамович Хўжаев**, Сурхондарё областидаги «Ҳазорбоғ» совхозининг сигир соғувчиси **Маҳкам Қурбонова**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Бектош Раҳимович Раҳимов**, Қўқон пойабзал фабрикасининг заготовкачиси **Галина Петровна Бурлакова**, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Виктор Александрович Антонов**, Қўқон локомотив депосининг электр слесари **Алексей Григорьевич Кузькин**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Виктор Григорьевич Духанин**, Фарғона область Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз правлениесининг раиси **Карим Йўлдошевич Охунбобоев**, Хоразм область Ҳазорасп районидаги Жданов номли колхоз аъзоси **Анор Қўшназарова** Хоразм область Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз бригадири **Раззоқ Отажонов** Хоразм область Янгиариқ районидаги Чапаев номли колхоз аъзоси **Ўғилжон Исоқова** бор.

(ЎзТАГ).

## ЯКДИЛЛИК ВАЗИЯТИДА

**Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.**

Ўзбекистон пойтахтида ва пойтахт областида қуйидагилар республика Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилдилар: 14-Урицкий сайлов округидан — 4-қурилиш трестининг бригадири **Сергей Григорьевич Зинчук**, 35-Собир Раҳимов сайлов округидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Вячеслав Гаврилович Кретов**, 36-Янги турмуш сайлов округидан — Тошкент чинни заводининг ишчиси **Гўзал Сулаймоновна Эргашева**, 71-Комсомол сайлов округидан Чирчиқ трансформатор заводининг лакловчиси **Надежда Михайловна Нижник**, 80-Зафар сайлов округидан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Баҳодир Аббосович Абдураззоқов**, 92-Свердлов сайлов округидан — Калинин районидаги Свердлов номли совхоз ишчиси **Муҳаббат Тўнанбоевна Умарова**.

Андижон областида 120-Киров район сайлов округидан Андижон шаҳар саноат моллари савдоси бошқармасининг сотувчиси **Аязимхон Абдусатторовна Қодирова** 136-Ойим сайлов округидан — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари **Виктор Михайлович Любимов** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Бухоро областида ўтказилган сайловолди йиғилишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар мудири **Зелимхон Ҳайдаров** 161-Отбозор сайлов округидан, Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси **Инқилоб Турсуновна Юсупова** 176-Хумданак сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилдилар.

Қашқадарё областидан қуйидагилар республика давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар: 232-Майманак сайлов округидан — Ульянов район партия комитетининг биринчи секретари **Фармон Омонов**, 235-Чироқчи сайлов округидан «Москва» совхозининг сут соғувчиси **Зулфия Бойматова**.

Наманган областида «Узэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Намангандаги заводи токари **Юрий Васильевич Кочергин** 269-Коммунистик сайлов округидан, Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли совхоз сут соғувчиси **Насибахон Саримсоқовна Давронова** 297-Бирлашган сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилдилар.

Самарқанд областида қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар: 302-Шаумян сайлов округидан — «Самаркандхимстрой» тресги кичик механизация участкаси слесарларининг бригадири **Энвер Велиев**, 308-Темир йўл сайлов округидан — Самарканд станцияси локомотив депосининг слесари **Сергей Иванович Шумский**, 341-Зиёдин сайлов округидан — Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози правлениесининг раиси **Шамси Назаров**.

Фарғона областида бўлиб ўтган сайловолди йиғилишининг қатнашчилари Қувасой чинни заводининг рассоми **Наталья Леонидовна Романенкони** 418-Қувасой сайлов округидан, «Сирдарё» совхозининг бригадири **Мўмин Ҳайитовни** 453-Жданов сайлов округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Хоразм областида 463-Навоий сайлов округидан Гурлан районидаги «Коммуна» колхозининг аъзоси **Ширин Йўлдошева**, 474-Огаҳий сайлов округидан Хива районидаги Ленин номли колхоз аъзоси **Онабиби Юсупова**, 480-Янгибозор сайлов округидан Янгибозор районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси **Турсуной Юсупова** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилдилар.

(ЎзТАГ).

## СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**КОБУЛ, 9 январь. (ТАСС).** Бугун Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал АХДП ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун бу ерга келган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев бошчилигидаги КПСС делегациясини қабул қилди.

Самимий ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбат чоғида иккала мамлакатнинг партиялари, ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. СССРнинг АДРга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги катта ёрдами учун Б. Кармал дўст совет халқига Афғонистон халқининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этди.

Шу куниёқ КПСС делегациясини АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештманд қабул қилди.

## АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Фарғона область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш иштирокчилари областда мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини кўриб чиқдилар. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилди.

Фарғона области Сирдарё областидаги қўриқ районларнинг хўжаликларига механизатор кадрлар ва тажрибали деҳқонларни ёрдам беришга юбориш учун катта имкониятларга эга эканлиги йиғилишда уқтириб ўтилди. Фарғоналик кўпгина пахтакорлар ишлаш учун Сирдарё областидаги совхозларга бориб, Мирзачўл даштларини мелиоратив ва хўжалик жиҳатидан ўзлаштиришга шахсий ҳисса қўшиш ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг ташаббуси кенг ёйилмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ЙИЛДАГИ ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

## ТОШЛОҚДАГИ ФАБРИКА ИШГА ТУШДИ

**Фарғона тўқимачилик комбинатининг кўҳна Тошлоқ қишлоғида жойлашган филиали — йилига 13 миллион погон метр қувватли нотўқима материаллар фабрикаси дастлабки маҳсулот берди. «Ферганаоблколхозстрой» трестининг коллективи фабрикани нормадаги муддатлардан ўзиб қуриб битказди.**

Бу корхонада яқин атрофдаги колхозлардан келган 500 нафардан ортиқ йигит-қиз ишлайди. Уларнинг бир қисми тўқимачилик касбини Фарғонада, қолган қисми — бошқа турдош корхоналарда ўрганиб келди. Тошлоқ филиали фойдаланишга топширилиши билан комбинат «қишлоқ цехларининг» сони тўрттагача кўпайди. Энди тўқимачилик маҳсулотлари чиқариш анча кўпаяди ва айни маҳалда аҳоли энг кўп яшайдиган районларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш проблемасини ҳал этиш мумкин бўлади.

(ЎзТАГ).

## РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

### АНГРЕН ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1985 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ангрен шаҳри меҳнаткашлари партия XXVII съездини, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, 1985 йилда зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

маҳсулот реализация қилиш ва кўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1985 йил топшириғи муддатидан илгари, 27 декабрда бажарилади. Меҳнат унумдорлигининг пландан ташқари 1,2 процент ошиши, маҳсулот таннархи 0,5 процент арзонлашиши таъминланади. Пландан ташқари 3,6 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 36 минг тонна кўмир, 40 минг квадрат метр керамик плитка, 500 тонна цемент, 1000 дона сантехкерамика маҳсулотлари, 2000 кубометр норуда материаллар ишлаб чиқарилади. Истеъмолчиларга белгиланган муддатларга қатъий мувофиқ равишда тўла ҳажм ва ассортиментда маҳсулот етказиб берилиши таъминланади.

Фан-техника тараққиёти тадбирларини, рационализаторлик ва ихтирочилик ишларини жорий этиш, иш ўринлари аттестациясини ўтказиш ҳисобига 1 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий самара ва пландан ташқари 480 минг сўмлик фойда олинади. Саноат корхоналарининг коллективлари моддий ресурслар ва ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш планлари сўзсиз бажарилишини таъминлайдилар, пландан ташқари 13,7 миллион киловатт соат электр энергияси, 13,3 минг гигакалорий иссиқлик энергияси, 1,3 минг тонна шартли ёқилғи, 300 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари, 200 тонна қора металл прокати, 500 тонна цемент тежалишига муваффақ бўладилар, тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига икки кун ишланади.

Қурилиш муддатларини қисқартириш тадбирлари комплексини амалга ошириш, куч ва маблағларни ишга тушириладиган объектларга солиш, бригада пудратини оммавий жорий этиш, социалистик мусобақани янада ривожлантириш ҳисобига пудрат ишлари плани 29 декабрда бажарилади. Янги Ангрен ГРЭСининг иккинчи энергия блокини, «Ангренский» разрезининг 700 минг тонна кўмир қазиб чиқарувчи иккинчи ишга тушириладиган комплексини, «Резинотехника» заводи, тараремонт корхонасининг техника ускуналари цехларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш таъминланади. Асосий фондлардан янада самарали фойдаланишга эришилади, ишга тушириладиган янги ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ўзлаштириш таъминланади.

Шаҳарнинг транспорт ташкилотлари пассажир ва юк ташиш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажаради, пландан ташқари 350 минг пассажир ва 400 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташийди, шаҳар алоқа узели пландан ташқари 6000 сўм фойда олади.

Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва маиший хизмат ходимлари йил охиригача аҳолига пландан ташқари 400 минг сўмлик мол реализация қилади ва 20 минг сўмлик хизмат кўрсатади.

Шаҳар меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишини давом эттирадилар, корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида етиштириладиган гўштни йилига 1100 тоннага қадар етказадилар, оталиқдаги Бўка районининг колхозлари ва совхозларига дала шийпонини қуриш ва ремонт қилишда, чорвачилик фермаларини механизациялаш, бошқа ишларни ўтказишда амалий ёрдам берадилар.

**Социалистик мажбуриятлар Ангрен шаҳри корхоналари ва ташкилотларида, меҳнат коллективларининг йиғилишларида қабул қилинди.**

